

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДУСМУРАТОВ МАНСУР БАЙСОАТОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОДИНАМИКАНИ ЎҚИТИШНИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Дусмуратов Мансур Байсоатович

Олий таълимда электродинамикани ўқитишни ахборот
технологиялари асосида такомиллаштириш..... 3

Дусмуратов Мансур Байсоатович

Совершенствование преподавания электродинамики на основе
информационных технологий в высшем образовании..... 21

Dusmuratov Mansur Baysoatovich

Improving of teaching electrodynamics in higher education system
by means of information technologies..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДУСМУРАТОВ МАНСУР БАЙСОАТОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОДИНАМИКАНИ ЎҚИТИШНИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (espi.uz/uz/ilmiy_kengash) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Назриддинов Комилжон Раҳматович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аҳмаджонов Дилмурод Гуломжонович техника фанлари доктори, доцент Махмудов Юсуп Ғаниевич педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети


Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 11 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdri-kengash@yandex.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 10 да тарқатилди
(2021 йил «28» 10 даги 9 - рақамли реестр баённомаси).


Ж.Э.Усаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д.


Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, педагогика
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Р.А.Энчанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳон миқёсида ахборот технологиялари таълим тизими ҳамда инсоният турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ўзининг қулайлиги, ошкоралиги ва тезкорлиги бобида замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб улгурди. Шу боис аниқ, табиий ва техника фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Барча фанлар каби физика фанининг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш ва уни жадаллаштириш зарурияти ҳам тобора ортиб бўлмоқда.

Дунё миқёсида аниқ, табиий ва техника фанларининг ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, кўзга кўринмайдиган ва тасаввурларга асосланган жараёнларни замонавий ахборот технологиялар асосида ўзлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кўплаб олиб борилмоқда. Хусусан, дунё Интернет тармоғи орқали кенг фойдаланилаётган Crocodaile. com., Yenka.com., Physics каби сайтлар ва уларда жойлаштирилган кўплаб дастурий воситаларни бунинг тасдиғи сифатида келтириш мумкин. Бу дастурий воситалар дунё мамлакатлари таълимида ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда машғулотларни ташкил этишнинг янги шакллари юзага келмоқда. Таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида “Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий ўқув-лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалари билан жиҳозлаш”¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, кенг фойдаланилаётган амалий ишлардан бири компьютер махсус дастурлар ёрдамида кузатилиши қийин, кўзга кўринмас, қийин тасаввур қилинадиган физик жараёнларни электрон дарсликлар, анимациялар, виртуал лабораториялар, тажрибалар ва тақдимотлар воситасида кўргазмали тушунтиришдир. Физика ўқитиш жараёнига компьютер технологияларини қўллаш ва улар асосидаги мультимедиа воситаларидан фойдаланиш психологик-педагогик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Электродинамика бўлими физиканинг ўзлаштирилиши мураккаб бўлган бўлимларидан бири бўлиб, унинг фундаментал мавзуларини ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб ўқитишни ташкил қилиш зарурияти мавжуд. Ушбу муаммо тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим босқичини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарияси ва методикаси, ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш муаммоларини тадқиқ этиш борасидаги тадқиқотлар республикамизда А.А.Абдуқодиров, Р.Ж.Ишмухамедов, Ф.М.Закирова, Г.О.Эрназарова, М.Н.Цой, Н.А.Қаюмова, Г.Н.Юнусова, М.Қурбонов, Х.М.Махмудова, С.Шералиев, П.Жалолова каби олимлар томонидан олиб борилган.

МДХ давлатларида эса ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллаш масалалари В.М.Коликова, Э.С.Черкасова, А.Б.Айбиндер, И.Б.Горбунова, И.Б.Корнушова, А.В.Смирнов, А.Андреев, Н.Н.Гомулина, А.Корякина, О.Осипова, В.Парамзина, Е.Полат, А.Шабанов, К.Шарифзянова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида жорий этиш бўйича тадқиқот ишлари В.Andrese, L.Antonokas, Cecilia Sik Lanyi, D.Moursund, R.Zappone, T.Vaughan, J.Daniel, B.Holmberg, M.Dougiamas ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Физиканинг турли бўлимларини ўқитиш юзасидан олимлар томонидан қатор методик тавсиялар берилган, турли усуллар ишлаб чиқилган. Жумладан, таниқли физик-педагог олимлар М.Джораев, Б.М.Мирзахмедов, В.Г.Разумовский, О.Аҳмаджонов, Ю.П.Пулатов, Ш.Шахмаев, Д.Ш.Шодиев ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқот ишларида таълим жараёнини ташкил қилиш, олий таълим муассасаларида физика ўқитишни такомиллаштириш хусусида салмоқли фикрлар айтилган. Тадқиқот муаммосини ҳал этишининг психологик-дидактик жиҳатлари Я.Лернер, Б.Л.Фарберман, Н.Ф.Талызина, Ю.Ғ.Махмудов каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Ушбу тадқиқот иши олий таълимда физиканинг Электродинамика бўлимини ахборот технологиялари асосида ўқитишни такомиллаштиришга ва шу асосда ўқитиш самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, ўзининг мақсад-вазифаларига кўра, физика ўқитиш методикаси соҳасидаги дастлабки тадқиқот иши ҳисобланади.

Таҳлиллarga кўра, Электродинамика бўлимини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича талайгина илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, олий таълим босқичида айнан Электродинамика бўлимини ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг замонавий методикаси етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Физика ва астрономия ўқитишни ахборот технологиялари, педагогик технологиялар, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги (2017-2022 йй.) илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим бакалавриат босқичида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб Электродинамика бўлими мазмуни ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Электродинамика бўлимининг шаклланиши, мақсад-вазифалари, асосларини ўрганиш натижасида унинг ўқитиш самарадорлигини ошириш имкониятларини таҳлил этиш;

Электродинамика бўлимини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларини қўллашнинг психологик-педагогик жиҳатларини ҳамда заруриятини тадқиқ қилиш;

Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши қийин мавзулари мазмунини ахборот технологиялари асосида ўрганиш;

замонавий ахборот технологиялари асосида Электродинамика бўлимининг ўқитиш методикасини такомиллаштириш, унинг ўқув-методик таъминотини ҳамда уни ўқитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим бакалавриат босқичида Электродинамика бўлимини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Кўкон давлат педагогика институти, Гулистон давлат университети ва Самарқанд давлат университетининг жами 126 нафар талабаси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим бакалавриат босқичи Электродинамика бўлимининг мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий, илмий-методик ишлар ва адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, илмий-тадқиқот ва илмий-техник маълумотларни назарий ва қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электродинамика бўлимида майдонларни тавсифловчи операторлар (градиент (grad), дивергенция (div) ва ротор (rot))га оид назарий ва амалий машғулотлар бўйича предметли-методик тайёргарлик даражасига амалий ва мантикий мушоҳада элементларини интеграциялаш (топширик, назорат, таҳлил) асосида такомиллаштирилган дастурий методик таъминот ишлаб чиқилган;

электродинамикага оид ҳодиса ва жараёнларни фазовий тасвирини (декарт, сферик, кутб ва цилиндрик) координаталар системасида ҳосил қилишда электрон дастурий воситалардан Maple ва Delphi дастурларининг имконияти ва талабаларнинг улардан фойдаланиш қулайлигининг мазмуни, ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсаткичлари (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) ҳамда психологик ва мотивацион, фаолиятли ёндашув асосида такомиллаштирилган;

ушбу бўлимига оид зарядлар системасининг электр майдони ва эквипотенциал сиртлари, тоқлар системаси магнит майдони, конденсаторлардаги зарядланиш ва разрядланиш жараёни, индуктив ғалтакдан ток ўтиш жараёни, тебраниш контуридаги электромагнит тебранишлар жараёни, электродинамик система ҳисобланган атомлар электрон қобикларининг электронлар билан тўлиш жараёни каби мавзуларни ўқитиш методикаси замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантиришга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

электродинамика бўлимининг талабалар билимини оширишга қаратилган конденсаторнинг зарядланиш ва разрядланиш жараёнлари, индуктив ғалтакдан ток ўтиш жараёни, тебраниш контуридаги электромагнит катталикларнинг эркин ва сўнувчи тебраниш жараёнлари ғносеологик, методологик ва дидактик илмий билиш методларидан фойдаланиб физика ўқитишнинг таркибий-тузилмавий функционал моделига асосланган мотивацион-мақсадли, концептуал, структуравий ва назарий-методологик ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим бакалавриат босқичида Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзулари замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштирилган ва уни ўқитишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим бакалавриат босқичида Электродинамика бўлимини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг методик таъминоти (электродинамиканинг ўзлаштирилиши қийин мавзуларининг электрон ишланмалари, академик лицейлар учун 2 қисмдан иборат “Физика” дарслиги) амалиётга жорий этилган;

электродинамика бўлимини ўқитишда намоёиш тажрибалари маъруза машғулотларини ўтказиш жараёнида амалиётга жорий этилган;

электродинамика бўлимини ўқитишга оид электрон-ахборот таълим муҳити ишлаб чиқилган ва талабаларнинг келгуси касбий фаолиятида компьютер технологияларини қўллаб машғулот ўтиш методикалари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган республика ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, яратилган, нашр қилинган дарсликлар ва уларга берилган тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик

методлар воситасида асосланганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши қийин мавзулар ва тушунчаларнинг ахборот технологиялари асосидаги такомиллаштирилган мазмуни ишлаб чиқилганлиги асосида ўқув қўлланмалар (маърузалар матни, электрон қўлланма, анимациялар) яратилганлиги Электродинамика бўлимини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш усулини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий компьютер технологиялари асосида ишлаб чиқилган Электродинамика бўлимини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти ўқув жараёнини янада такомиллаштириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув дастурлари, ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишда ва физика ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълимда электродинамикани ўқитишни ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

электродинамика бўлими ўзлаштирилиши қийин тушунча ва мавзуларининг ахборот технологиялари асосидаги такомиллаштирилган мазмуни, унинг ўқув-методик таъминоти «5110200-Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» бакалаврият йўналиши таълим жараёнига татбиқ қилинган ва талабаларнинг электродинамик жараёнларга оид тасаввурларини кенгайтиришга ва мураккаб мавзуларни яхши ўзлаштиришга имкон берган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги 89-03-1907-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда физиканинг Электродинамика бўлимига оид тушунчалар ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришилган;

атом электрон қобиклари тўлиш жараёнининг ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолдаги мазмуни ҳамда Менделеев даврий системаси тузилишини дастлабки ва квант тушунчаларни боғлаган ҳолда ўқитиш тўғрисидаги маълумотлардан ГулДУда 2015-2017 йилларда бажарилган ИТД А-1-26-рақамли “Узлуксиз таълим тизимида физика ўқитишни эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантириш асосида такомиллаштириш ва унга оид методик қўлланма тайёрлаш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги 89-03-1907-сон маълумотномаси). Натижада, атомлар электрон қобиклари тузилишини дастлабки (умумтаълим ўрта мактаблари ва академик лицейлар кимё дарсликларида бериладиган) ҳамда олий таълимда ўқитиладиган квант сонлар тушунчалари орасида боғлиқлик ўрнатилиши асосида тушунтиришнинг методик таъминоти бойитилган ва талабаларнинг уларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишга кўмаклашилган;

Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши қийин мавзулари ҳамда ўқувчилар билимини оширишга қаратилган компьютер анимациялари мазмуни

физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейлар учун 2 қисмдан иборат “Физика” дарслигига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 1000-сон буйруғи). Натижада, ўқувчиларнинг бу бўлимни ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та хорижий ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп қилинган 2 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган журналларда 13 та, шундан 9 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп қилинган мақолада ўз аксини топган. Шунингдек, ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотлар учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 6 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Электродинамика бўлимини ўқитишнинг илмий-методик асослари**” деб номланган биринчи бобининг биринчи параграфида электр ва магнит ҳодисалари тўғрисидаги қадимги кузатувлардан тортиб замонавий тадқиқотлар натижасида Электродинамиканинг шаклланиши билан бирга электродинамик ҳодисалар тўғрисида Фаробий, Беруний, ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг қарашлари, физика фани ривожланиши билан оламнинг физик манзарасининг ўзгариб бориш кетма-кетлиги ва буларни ўрганишнинг талабалар учун аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, табиатда мавжуд тўртта фундаментал ўзаро таъсирнинг бири ҳисобланган электромагнит таъсир ва бу таъсирнинг табиат ҳодисалари ва ҳаётимизда, техникада тутган ўрни, олами ўрганишда электромагнит ўзаро таъсир турининг аҳамияти ва роли ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган.

Диссертация I бобининг иккинчи параграфи Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши қийин тушунчалари таҳлиliga бағишланган. Бу тушунчаларнинг таърифлари, уларнинг математик формулалари келтирилган, физик маънолари мисоллар ёрдамида очиб берилган, электр ва магнит майдонларига тадбиқ


этилган ҳамда бу тушунчаларни мустаҳкамлаш йўллари кўрсатилган. Масалан, электр майдонининг потенциал майдон эканлиги, скаляр майдон градиенти, вектор майдон дивергенцияси, вектор майдон ротори каби тушунчалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Шу ўринда, скаляр майдон градиенти тушунчаси скаляр майдонининг энг тез ўзгариш йўналишини кўрсатиб берадиган вектор катталиқ бўлса, вектор майдон дивергенцияси тушунчаси эса вектор майдонини ҳосил қилувчи (ёки нурловчи, ёки қайнатиб чиқарувчи) манба – булоқнинг мавжудлигини англатадиган скаляр катталиқ эканлиги кўрсатиб берилган. Вектор майдон ротори эса айни битта нуқтанинг ўзидаги векторнинг буралма, айланма (худди буровчи моментга ўхшаш) тавсифини англатадиган вектор катталиқ эканлиги ва у майдон тавсифини кўрсатиши, яъни майдоннинг очик (уюрмасиз) ёки ёпик (уюрмали) эканлигини англатиши очиб берилган. Булардан ташқари Набла (Гамильтон) оператори ва унинг скаляр, вектор катталиқларга скаляр, вектор ва аралаш таъсирлари натижасида қандай катталиқлар ҳосил бўлиши баён қилинган ҳамда турли мисоллар асосида тушунтирилган. Бу тушунчалар электродинамика тенгламалари асосини ташкил қилади ва уларнинг физик мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Шу жиҳатдан уларнинг физик моҳиятини талабаларга етказиш электродинамика тенгламаларини, яъни бу бўлимнинг талабалар томонидан самарала ўзлаштирилишига методик асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Электродинамикани ўқитиш жараёнида замонавий компьютер технологиялари ва дастурларидан фойдаланиш”** деб номланган иккинчи боби замонавий компьютер технологиялари ва уларни физика ўқитиш жараёнига қўллашнинг психологик ва педагогик асослари ҳамда Электродинамикани ўқитиш жараёнига замонавий компьютер технологияларини жорий этишнинг заруриятига бағишланган. Унга кўра, физика фанини АКТ ёрдамида ўқитишни ташкил этишнинг зарурияти ҳамда ҳуқуқий асослари баён қилинган.

Анъанавий ўқитиш методикасида ўқув материаллари асосан, матн ва формулалар кўринишида ифодаланиб, уларни бевосита ўқитиш жараёнида намоёни қилиш имконияти деярли мавжуд эмас. Шу сабабли берилаётган ўқув материаллари, асосан, талаба томонидан кетма-кет равишда қабул қилинади, уларни ўзлаштириш ва эса сақлаб қолиш даражаси юқори бўлмайди. Ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улар ичида замонавий ахборот технологияси воситалари асосида ўқитиш алоҳида аҳамиятга эга. Замонавий ахборот технологияларининг имкониятларига гиперматн, гипермедиа, анимацион графиклар ва слайдлар ҳамда компьютерли овоз дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур дастурларнинг яратилиши нафақат ахборот технологияларидан таълим тизимида самарали фойдаланишга, балки ундан фан мавзулари бўйича ноанъанавий машғулотларни ташкил этишга имкон яратади. Бунда ўқитувчи физика машғулотларида мавжуд электрон дарслик, мультимедиа воситалари, Интернет маълумотларидан фойдаланиш билан бир қаторда Электродинамика бўлимига оид ҳар бир мавзуга мос бўлган мисолларни компьютер технологиялари асосида тушунтириш имкониятларига эга бўлади. Шунингдек, таълим жараёнида АКТни қўллашнинг


афзалликлари, виртуал стендлар ва уларнинг аҳамияти, улардан амалий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиш, виртуал стендларни талабалар ўзлари учун қулай ва зарур вақтларда кўриш, ишларни такрор бажариш, муҳокама қилиш каби устунликлари, мустақил таълим жараёнида ҳам АКТдан фойдаланиш самарали бўлиши, ахборот технологияларининг мультимедиали воситаларидан фойдаланиш афзалликлари баён қилинган. Компьютер технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишда маъруза машғулотларига алоҳида эътибор берилади ва бу ўқитиш методи олий таълимда муҳим ўқитиш шаклларида бири ҳисобланади. Шу сабабли мазкур бобда талабалар мустақил фаолият юритадиган компьютерлар, уларнинг турлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг “Олий таълимда Электродинамика бўлимини ўқитишни АКТ воситасида такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобда Электродинамика бўлимини ўқитишнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, уни такомиллаштириш ва унинг мазмунини ахборот технологиялари асосида бойитиш имкониятлари баён қилинган. Хусусан, Электродинамика бўлимининг ўзлаштирилиши қийин ва фундаментал мавзуларининг ахборот технологиялари асосидаги мукаммаллашган мазмунини ишлаб чиқишга ва электродинамик система ҳисобланган атом ва молекулалар, уларнинг электрон қобикларини ўрганишга доир мавзуларни ахборот технологиялари ёрдамида ўқитиш йўллари бағишланган. Ахборот технологиялари имкониятларини қўллаган ҳолда, ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича машғулотлар ишланмалари яратилган ҳамда машғулотларни самарали ташкил этиш йўллари, шунингдек, заряд ва зарядлар системаси ҳосил қилган электр майдони ва эквипотенциал сиртлар тасвирларини яратиш ҳамда уларни экранда намоиш қилиш методикаси Maple дастури ёрдамида ишлаб чиқилган ва батафсил баён қилинган. Бу дастурга электр зарядлари миқдорлари ва ишоралари ихтиёрий киритилиши имконияти мавжудлиги ҳамда уларга мос тасвирлар ҳосил қилиниши талабаларнинг электр майдони тўғрисидаги 2 ва 3 ўлчамли тасаввурлари кенгайтиши ҳамда мустаҳкамланишига олиб келади (1-расм). Майдоннинг аниқ нуқтадаги йўналишини аниқлаш учун бирлик вектордан фойдаланиш кераклиги ва бу бирлик векторни қандай ҳосил қилиш ва дастурга киритиш, зарядларнинг электр майдони тасвирини ҳосил қилишда Maple дастурининг қулайлиги асосланган.




1-расм. Электр зарядлари системасининг электр майдони ва эквипотенциал сиртларининг Maple дастури асосидаги 2 ва 3 ўлчамли тасвирлари.

Ахборот технологиялари асосида, яъни Maple дастури ёрдамида токли ўтказгич ва ўтказгичлар системасининг магнит майдонлари тасвирларини яратиш ва намоиш қилиш методикаси ишлаб чиқилган. Бу ҳолда ҳам электр токи қийматлари ва йўналишларининг дастурга ихтиёрий киритилиши ҳамда магнит майдонларнинг 2 ва 3 ўлчамли тасвирларини ҳосил қилиш имкониятлари мавжуд (2-расм).




2-расм. Электр тоқлари ва тоқлар системасининг магнит майдонларининг Maple дастури асосидаги 2 ва 3 ўлчамли тасвирлари.


Ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб кўргазмалилик асосида ўзлаштирилиши мураккаб мавзуларни баён қилиш бу мавзуларнинг ўзлаштирилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу бобда RL занжирда индуктив ғалтакдан ток ўтиш жараёни ҳам Maple дастури асосида ишлаб чиқилган ва батафсил ёритилган (3-расм). Бунда ток ўтиш жараёни занжирга ўзгармас ва ўзгарувчан ток манбалари уланганда, ғалтакдаги токнинг ошиш ва камайиш жараёнлари ғалтакнинг манбага уланганида ва манбадан узилганида, бу жараёнларнинг турли хил индуктивликдаги ғалтакларда қандай содир бўлиши, бу ҳолатларда индуктив ғалтакдаги токнинг вақтга боғлиқ равишда ўзгаришини бундай усулда баён этиш талабаларда жараённинг туб моҳиятини англаб етиш кўникмаларини ривожлантиради. 4- ва 5-расмларда индуктивликлари икки марта фарқ қилувчи RL занжирлари учун токнинг ошиш ва камайиш жараёни анимацияли равишда келтирилган бўлиб, булардан талабалар индуктивликнинг ток ўзгаришига нисбатан инерцион хусусиятни келтириб чиқариши ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишади.



3-расм. Лампаларни ўзгармас ток манбаига тўғридан-тўғри ва индуктив ғалтак орқали улаш.




4-расм. Индуктивликлари икки марта фарқ қиладиган ғалтакларда токнинг ошиш жараёни.



5-расм. Индуктивликлари икки марта фарқ қиладиган ғалтакларда токнинг камайиш жараёни.


Maple дастури ёрдамида индуктив ғалтакнинг ўзгарувчан токка таъсири ҳам ўрганилган (6-расм). К калит уланганда L ғалтакдаги ўзиндукция ҳодисаси туфайли 1-лампа равшан ёниши, 2-си эса хирароқ ёниши, ғалтак индуктивлиги ёки ўзгарувчан ток частотаси оширилганда 2-лампадаги хиралик янада кучайиши талабаларга маърузаларда тушунтириб борилади. Лекин, бу жараён қайси қонуният бўйича кечиши, токнинг вақтга боғланиши қай кўринишда эканлиги мавҳумлигича қолаверади. Тадқиқот ишида мана шу ҳолат учун ток кучининг, индуктивлик, частота ва вақтга боғланиш тенгламаси Кирхгоф контурлар қонуни асосида юзага келадиган дифференциал тенгламани ечиш орқали келтириб чиқарилади.



6-расм. Индуктив ғалтакни ўзгарувчан ток манбаига улаш.


$$i = \frac{U_m}{R^2 + (\omega L)^2} [R \sin \omega t - \omega L \cos \omega t] + \frac{U_m \omega L}{R^2 + (\omega L)^2} e^{-\frac{R}{L}t}$$

Юқоридаги формуладан индуктивлик ва частота ўзгарувчан токнинг максимум қийматини чеклаши келиб чиқади. Бунга индуктивликлари 2 марта фарқ қиладиган, яъни $L_1 = 25 \text{ Гн}$ ва $L_2 = 50 \text{ Гн}$ бўлган ҳолда олинган анимацияли графикдан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин (7-расм).




7-расм. Индуктивликлари 2 марта фарқ қиладиган ғалтакларнинг ўзгарувчан токка уланиш пайтида токнинг вақт бўйича ўзгариши.

Шунингдек, частотанинг амплитудани чеклашига $\omega_1 = 20 \text{ Гц}$ ва $\omega_2 = 40 \text{ Гц}$ бўлган ҳолларда олинган графикдан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин (8-расм).




8-расм. Индуктив ғалтакни частоталари 2 марта фарқ қиладиган ўзгарувчан токка уланиш пайтида токнинг вақт бўйича ўзгариши.

Ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб тебраниш контуридаги электр катталикларининг тебранишларини ҳам намойиш қилиш мумкин. Maple дастури ёрдамида тебраниш контуридаги жараёнлар намойиши ишлаб чиқилди. Маълумки, конденсатор ва актив қаршиликсиз ғалтакдан иборат занжир тебраниш контурини ҳосил қилади (9-расм). Тебраниш контурида электр ва магнит майдонлари даврий равишда бир-бирига айланиб электромагнит тебранишларни ҳосил қилади. Ахборот технологиялари асосида конденсатордаги заряд ва ғалтакдаги токнинг вақт бўйича ўзгаришини анимацияли намойиш қилиш мумкин (10-расм).



9-расм. Идеал тебраниш контури.


Шу билан бирга идеал контурдаги электр ва магнит майдон энергиялари ҳамда умумий электромагнит майдон энергияларининг вақтга боғлиқ ўзгаришини ҳам, реал тебраниш контурларида конденсатордаги электр заряди ёки индуктив ғалтакдаги ток кучининг вақтга боғланиш графикларини ҳам ахборот технологиялари асосида анимацион кўринишда намойиш қилиш амалга оширилган.



10-расм. Конденсатордаги заряд ва ғалтакдаги ток кучининг эркин тебраниш жараёни.


Атом ва молекулаларнинг, умуман олганда, барча моддаларнинг мавжудлик шarti – бу электромагнит (электродинамик) ўзаро таъсир турининг мавжудлигидир. Замонавий атом физикаси ва квант механикасида электронларнинг ядро атрофидаги ҳолати Шредингер тенгламасида бериладиган псифункция ($\Psi = \Psi(x, y, z, t)$), яъни тўлқин функция орқали ўрганилади, бу Шредингер тенгламасининг ечимлари эса квант сонлари (n, l, m, s) деб аталувчи катталиклар орқали аниқланади. Ψ – тўлқин функция аслида ҳеч қандай физик маънога эга бўлмасдан, унинг модулининг квадрати, яъни тўлқин функцияни унинг қўшмасига кўпайтмаси ($\Psi \cdot \Psi^* = |\Psi|^2$) электронни ядро атрофидаги фазода учратиш эҳтимоллик зичлигини ($|\Psi|^2 = \frac{dP}{dV} = \rho$) англатади. Мана шу эҳтимоллик зичлиги барча жойда айнан бирдай бўлмасдан, унинг бирор жойида максимал бўладиган қиймати мавжуд бўлади, қолган бошқа жойларда заррани учратиш эҳтимоллиги эса нисбатан камроқ бўлади. Эҳтимоллик зичлиги максимал бўладиган ушбу соҳани кесиб ўтаётганда эҳтимоллик ўсишдан камайишга ёки аксинча ўзгариши мумкин. Maple дастури ёрдамида атомларда мавжуд 4 хил электрон (s-, p-, d-, f-) орбиталарнинг 2 ва 3

ўлчамли (текисликдаги ва фазовий) тасвирлари яратилди. Уларни машғулот жарёнларига татбиқ этиш талабаларда атомлар тузилиши тўғрисидаги тасаввур ва таассуротларни чуқурлаштириши ва билимларнинг мустақамланишига ёрдам беради (11-,12-,13-,14-расмлар).




11-расм. s-, p-, d-орбиталларнинг 2d - ўлчамли тасвирлари.


Бундан ташқари, атомлар электрон қобиклари тузилиши тўғрисидаги дастлабки (умумтаълим ўрта мактаблари ва академик лицейлар кимё дарсликларига бериладиган) ҳамда олий физика таълимида ўқитиладиган квант сонлар тушунчалари орасида боғлиқлик ўрнатилиши асосида тушунтиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган.



12-расм. s-орбиталнинг фазовий кўриниши.



13-расм. p-орбиталларнинг фазовий кўриниши.



14-расм. d-орбиталларнинг фазовий кўриниши.

Шундай қилиб, ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларнинг ахборот технологияларига асосланиб ишлаб чиқилган мазмуни бу мавзуларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобида иккита параграф бўлиб, улардан биринчиси педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикасига бағишланган. Тажриба-синов ишлари илмий татқиқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у соҳага оид ҳар қандай изланишлар натижаларининг ҳаққонийлигини белгилаб беради.

Мазкур тадқиқот ишининг асосий ҳолатларини амалиётда текшириш мақсадида тажриба-синов ишлари куйидаги уч босқичда амалга оширилди:

1. Изланувчи босқич.
2. Тасдиқловчи босқич.

3. Шакллантирувчи босқич.

Педагогик тажриба-синовнинг ҳар бир босқичида мавзу бўйича ўқув қўлланмалари, илмий-тадқиқот натижалари, машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси, талабалар билан суҳбатлар натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб, натижавий хулосалар қилинди ва тадқиқот мақсадлари аниқлаштириб борилди.

Педагогик тажриба-синов 3 та минтақада олиб борилиб, СамДУнинг физика факультети, ГулДУнинг физика-математика факультети, ҚўқДПИнинг физика-математика факультетларида бакалаврият таълим йўналиши гуруҳларида 2012-2018 йилларда ўтказилди.

Биринчи – изланувчи босқич (2012-2015 йй.)нинг асосий мақсади сифатида тадқиқот соҳасига оид адабиётлар, диссертациялар, авторефератлар, илмий, илмий-методик журналлардаги ҳамда илмий тўпламлардаги тадқиқот муаммосига оид мақолалар танқидий ўрганилди. Бу соҳадаги хориж адабиётлари, электродинамика соҳасидаги Халқаро анжуманлар, конференциялар, симпозиумлар материаллари ўрганилди ва республикамиздаги соҳа ҳолати билан қиёсий солиштирилди. Бу изланишлар натижасида олий таълимда Электродинамика бўлими мазмуни, уни самарали ўзлаштиришга қаратилган методик таклиф-тавсиялар, ўқитиш методикаси шакллантирилди.

Тажриба-синов ишларининг **иккинчи – тасдиқловчи босқичи**да (2015-2017 йй.) Электродинамика бўлимининг янги мазмуни асосида уни ўқитишнинг методик асослари ишлаб чиқилди. Улар асосида дастлабки тажриба-синов ишлари ўтказилди ва бўлим мазмуни ҳамда уни ўқитиш методикаси бойитиб борилди. Талабаларда электр ва магнит майдонлар тўғрисидаги билим ва тасаввурларнинг дастлабки ҳолати аниқланди ва уларни ривожлантириш имкониятлари изланди. Шу мақсадда илғор педагогик тажрибалар ўрганилди ва умумлаштирилди.

Учинчи – шакллантирувчи босқич (2016-2018 йй.)нинг асосий мақсади Электродинамика бўлимини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида электр ва магнит майдони, унинг турли хоссалари тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш ҳамда ўзлаштирилиши қийин мавзуларининг ахборот технологиялари асосидаги мазмунини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказишга ҳамда натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қаратилди. Аввалги босқичлардаги хулосаларга таянган ҳолда, электродинамикага доир тушунча ва тасаввурларни ривожлантиришга эришилди.

Тажриба-синов ишларининг бу босқичини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Электродинамикага тегишли маъруза ва амалий машғулотларни кузатиш ҳамда уларни талабалар билим ва тасаввурларини ривожлантириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

2. Назорат ишлари ва топшириқларини таҳлил қилиш.

3. Талабалар билан сўровнома ўтказиш, суҳбат олиб бориш.


4. Машғулотлар сўнггида тест олиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларни баҳолаш.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфи тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлилига бағишланган. Педагогик тадқиқот ишларида энг кўп тарқалган статистик мезоний χ^2 – Пирсон мезони бўлиб, у иккита тўпلامдаги яқинлашиш ва фарқланишни ёки уларнинг назарий ва амалий тадқиқотлари орасидаги тафовутни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Учинчи босқичнинг дастлабки синов-тажриба ишлари, 2016-2017 ўқув йилида СамДУнинг физика факультетида ўтказилган бўлиб, назорат ва синов гуруҳлари, улардан олинган тест-синов натижалари ҳамда динамик ўзгаришлар 1-жадвалда ҳамда 15-расмдаги гистограммада берилган.

1-жадвал

Назорат гуруҳи (302-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	4	12	3	1	20
Тажриба гуруҳи (301-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	3	6	6	4	19




15-расм. СамДУда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари.

2017-2018 ўқув йилида тажриба-синов ишлари ҚўқДПИнинг физика-математика факультетида ўтказилган бўлиб, назорат ва тажриба гуруҳлари, улардан олинган тест-синов натижалари ҳамда динамик ўзгаришлар 2-жадвалда ҳамда 16-расмдаги гистограммада берилган.

2-жадвал

Назорат гуруҳи (201-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	4	11	3	1	19
Тажриба гуруҳи (202-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	3	7	6	4	20




16-расм. ҚўқДПИда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари.

2018-2019 ўқув йилида учинчи тажриба майдони сифатида ГулДУнинг физика-математика факультетида ўтказилган бўлиб, назорат ва тажриба гуруҳлари, улардан олинган тест-синов натижалари ҳамда динамик ўзгаришлар 3-жадвалда ҳамда 17-расмдаги гистограммада берилган.

3-жадвал

Назорат гуруҳи (1-16-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	5	12	5	2	24
Тажриба гуруҳи (2-16-гуруҳ)	(0-54) балл	(55-70) балл	(71-85) балл	(86-100) балл	Жами
	3	8	8	5	24



17-расм. ГулДУда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари

Тажриба-синов ўтказилган 3 та ОТМдан биринчисидан ўсиш 7,85 %ни, иккинчисидан 7,79 % ва учинчисидан эса 6,42 % кўрсаткичларни ташкил этди. Ўзлаштиришларнинг ўртача кўрсаткичи эса

$$p = \frac{p_1 + p_2 + p_3}{3} = \frac{7,85\% + 7,79\% + 6,42\%}{3} = 7,35\% \text{ га тенг бўлди.}$$

Шундай қилиб, танланган ОТМлардаги ўртача ўсиш кўрсаткичи 7,35 % ни ташкил этди. Шунга асосланган ҳолда, тажриба-синов ишини муваффақиятли яқунланган деб хулоса қилиш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Олий таълим муассасаларида Электродинамика бўлимининг ҳозирги ўқитилиш ҳолатини, ўқитиш методикаси олдида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни ўрганиш ҳамда ушбу тадқиқот ишини бажариш жараёнида олинган натижалар асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни келтирамиз:

1. Олий таълим босқичида физика йўналиши учун Электродинамика бўлиmidан жаҳон андозалари даражасидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни давлат тилида тайёрлаш, нашр этиш, бўлажак физикларнинг касбий тайёргарлигини оширишда Электродинамиканинг мавқеини ошириш илмий-методик муаммодир.

2. Олий таълим бакалаврият босқичида физиканинг Электродинамика бўлимининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган янги ўқув режасига асосан ахборот технологиялари асосидаги такомиллашган мазмуни шу фаннинг ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Физика фани нуқтаи назаридан электродинамикани ўқитишда компьютер технологияларини қўллашнинг янгича илмий-услубий талқини берилди.

3. Олий таълим бакалаврият босқичида Электродинамика бўлимини компьютер технологияларидан фойдаланиб самарали ўқитишни таъминловчи ўқув адабиётлари, илмий-методик қўлланмалар, шу жумладан, методик тавсиялар, машғулот ишланмалари ҳамда электрон ишланмалар ишлаб чиқилди, тажриба-синовдан ўтказилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди.

4. Электродинамика бўлимининг ҳозирги замон ютуқларини қамраб олган янги маълумотларнинг талабаларга етарли даражада берилиши уларнинг шу соҳадаги янгиликларни тушунишлари ҳамда уларни мустақил равишда ўзлаштиришларига замин бўлиб хизмат қилади. Ўқув жараёнининг янги мазмуни ҳамда компьютер технологияларини қўллашнинг янгича илмий-методик талқини асосида ташкил қилиниши талабаларнинг бу бўлимни ўзлаштириш самарадорлиги юқори бўлишини амалда кўрсатди.

5. Диссертация материаллари асосида олинган натижаларга кўра, Электродинамика бўлими ўзлаштирилиши қийин тушунча ва мавзуларининг ахборот технологиялари асосидаги янги такомиллаштирилган мазмуни, яратилган дастурий воситалар ва тавсияларнинг самарадорлиги ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида ўз тасдиғини топди.

Компьютер технологияларини қўллаб ўқитиш методикасини ҳамда яратилган ўқув адабиётлари ва электрон ўқув-методик таъминотидан олий таълим бакалаврият босқичида Электродинамика бўлиmidан талабаларнинг чуқур ва мустақам билимларини таъминлаш мақсадида кенг қўллаш тавсия этилади. Шунингдек, ўрта касб-хунар таълими ҳамда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш босқичларида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Ахборот технологиялари асосида яратилган дастурий воситалардан намоёйишли тажрибалар сифатида ҳамда мустақил таълим ва масофавий таълимда ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ДУСМУРАТОВ МАНСУР БАЙСОАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЭЛЕКТРОДИНАМИКИ
НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Ped57

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.csri.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу (www.ziyouet.uz).


Научный руководитель:	Насриддинов Комилжон Рахматович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ахмаджонов Дилмурод Гуломжонович доктор технических наук, доцент Махмудов Юсуф Ганиевич доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ферганский государственный университет


Защита диссертации состоится « 12 » 11 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом № 104) Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за номер 56). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом № 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Автореферат диссертации разослан « 28 » 10 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 9 28 10 2021 года).


Ж.Э.Усаров
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор


Д.М.Махмудова
Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по педагогическим наукам (PhD)


Р.А.Эшчанов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире информационные технологии становятся неотъемлемой частью системы образования и быта людей. Современные информационные технологии своей удобностью, прозрачностью и быстротой становятся важным фактором развития нашей жизни. Так и в повышении эффективности преподавания точных, естественных и технических наук уделяется особое внимание широкому внедрению информационно-коммуникационных технологий через использования современных информационных и педагогических технологий. На ряду с этим бросается на глаза необходимость интенсификации повышения эффективности освоения и более глубокого изучения предмета физики.

В мировом масштабе широкое применение современных информационных и педагогических технологий, направленных на повышение эффективности преподавания точных, естественных и технических наук нацеливает на интенсивное проведение исследовательских работ, направленных на повышение эффективности освоения невидимых и основанных на представлениях процессов, то есть трудно усвояемых тем на основе современных информационных и педагогических технологий. В частности, в качестве подтверждения данной мысли можно привести широко используемые Интернет-сайтов, такие как [Crocodaile.com.](http://Crocodaile.com), [Yenka.com.](http://Yenka.com), Physics и многие другие программные средства, которые размещены на этих сайтах, которые ориентированы на повышение эффективности преподавания трудно усвояемых тем в системах образования стран мира.

В последние годы в нашей республике формируются новые виды организации занятий в связи с развитием информационных технологий. Определены приоритетные задачи, как “повышение возможностей качественных образовательных услуг, подготовка высоко квалифицированных кадров, отвечающих современным требованиям рынка труда, обеспечение современным учебно-лабораторным оборудованием, компьютерной техникой и учебно-методическими пособиями”². В частности, одной из наиболее широко используемых практических работ является наглядное объяснение физических процессов, которые трудно наблюдать, невидимы, трудно представляемы с помощью специального программного обеспечения на компьютере, посредством электронных учебников, анимации, виртуальных лабораторий, экспериментов и презентаций. Использование компьютерных технологий в преподавании физики и использование мультимедийных средств на их основе имеет большое значение с психологической и педагогической точки зрения и служит повышению эффективности её обучения. Эта проблема и определяет актуальность исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, также указанных в Указе УП 5847 от 8 октября 2019 года

² Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных документов Республики Узбекистан 2017 г., № 6, статья 70, № 20., статья 354, № 23, статья 448.

«Об утверждении концепции развития систему высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлениях ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах дальнейшего развития высшего образования» и ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечения их активного участия в широкомасштабных реформах, осуществляемых в нашей стране», а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. “Формирование и реализация системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Проблемы теории и методики применения информационно-коммуникационных технологий в образовании, внедрения информационных технологий в процесс образования исследованы учеными нашей республики А.А.Абдукодировым, Р.Ж.Ишмухамедовым, Ф.М.Закировой, Г.О.Эрназаровой, М.Н.Цой, Н.А.Қаюмовой, Г.Н.Юнусовой, М.Курбоновым, Х.М.Махмудовой, С.Шералиевым, П.Жалоловой.

В странах СНГ вопросы применения информационных технологий в процессе образования исследовали В.М.Коликова, Э.С.Черкасова, А.Б.Айбиндер, И.Б.Горбунова, И.Б.Корнушова, А.В.Смирнов, А.Андреев, Н.Н.Гомулина, А.Корякина, О.Осипова, В.Парамзина, Е.Полат, А.Шабанов, К.Шарифзянова и др.

Проблемы внедрения педагогических и информационных технологий в образовательный процесс зарубежом исследовали В.Andrese, L.Antonokas, Cecilia Sik Lanyi, D.Moursund, R.Zappone, T. Vaughan, J.Daniel, V.Holmberg, M.Dougiamas и др.

По вопросам методики преподавания различных разделов курса физики разработаны методические рекомендации и способы преподавания. В том числе в исследованиях, проведенных М.Джораевым, Б.М.Мирзаахмедовым, В.Г.Разумовским, О.Ахмаджоновым, Ю.П.Пулатовым, Ш.Шахмаевым, Д.Ш.Шодиевым и другими высказаны весомые мнения по организации учебного процесса, совершенствованию преподавания физики в высших учебных заведениях. Психолого-педагогические аспекты решения проблемы исследования рассматривались в работах Я.Лернер, Б.Л.Фарбермана, Н.Ф.Талызиной, Ю.Махмудова и др.

Данная исследовательская работа посвящена совершенствованию преподавания раздела “Электродинамика” на основе информационных технологий, тем самым повышению эффективности преподавания, и по целям и задачам является одной из первых работ в области методики преподавания физики.

Как показали анализы, не смотря на то, что сделано не мало работ в области преподавания физики с использованием информационных технологий, недостаточно исследована современная методика преподавания раздела “Электродинамика” на основе применения информационных технологий.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертационная работа. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области по теме “Исследование проблем совершенствования преподавания физики и астрономии на основе информационных технологий, педагогических технологий и интеграции науки, образования и производства” (2017-2022 гг.).

